

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

БЕШ ТАШАББУС – БЕШ ИМКОНИЯТ

Буни Куйи Чирчиқ ёшлари чуқур англамоқдалар

Куни кеча бешинчи синфни тамомлаган Ойбек эрта тонгдан ясашиб, туман марказидаги байрамга ошқиди. Бугун унинг ҳаётида бош-кача кун, ахир...



Эрта тонгдан туман халқ таълими бўлими тасарруфидagi 24-сонли мактабдан 81-авторхонагача бўлган 3 минг метр масофада

рафон голиби, "Жумагул" маҳалласи профилактика инспектори ёрдамчиси Нурсултон Турсунов. – Мазкур марафон одамлар ўртаси-

Айни кунларда давлатимиз раҳбари илгари сурган бешта муҳим ташаббус доирасида барча ҳудудларда ташвиқот ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Куйи Чирчиқ туманида ўтказилди.



югуриш марафони билан бошланган тадбирда тумандаги барча таълим муассасалари, маҳаллалар ва корхона-ташкilotлардан жами минг нафар 18 дан 60 ёшгача бўлган аҳоли қатнашди.

– Туманимизда бешта муҳим ташаббус доирасида ўтказилаётган кенг қўламли ишлардан жуда мамнунмиз, – дейди ма-

даги меҳр-оқибатни янада мустаҳкамлашга хизмат қилди, десам хато бўлмайди. Сабаби, бугун ким голиб ёки мағлуб бўлгани эмас, аҳолининг ҳамжиҳатликда шундай тадбирни кўнгилдагидек ўтказгани муҳим.

Марафондан сўнг худди шу масофада аёллар ўртасида велосипогга мусобақаси ўтказилди. Унда 500 нафардан



ортиқ хотин-қизлар иштирок этди.

– Велоспорт билан шуғулланишнинг ўзига яраша гашти бор-да, – дейди мусобақа иштирокчиси, Куйи чирчиқлик Мунира Раҳимова. – У нафақат соғлиқни яхшилайдди, балки кайфиятни ҳам чоғ қилади. Марафонда иштирок этиб, очиги, роса маза қилдим. Анчадан бери бу-

нақа хордиқ чиқармаган эдим.

Соат 15.00 дан 15.30 гача бешта ташаббуснинг биринчи йўналиши бўйича 4-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида туман маданият бўлими қошидаги тўғарак аъзолари ва ўқувчилар иштирокида концерт дастури намойиш этилди. Умуман олганда, биринчи ташаббус бўйича

тумандаги ёшларнинг истеъдодини рўйбга чиқариш учун кўп ишлар амалга оширилди. Мусиқа, адабиёт, рассомлик ҳамда санъатнинг бошқа турлари бўйича турли тўғараклар ташкил этилиб, уларга 3 минг 299 нафар бола қамраб олинди.

Тадбирда учинчи ташаббусда таъкидланганидек, касб-хунар кол-

лежларида тахсил олаётган ўқувчилар компьютер технологиялари бўйича ўрганган билимларини намойиш этилди. Улар томонидан яратилган сайтлар, анимацион дастурлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Давоми 4-бетда ➡

Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар

Мавсум

Пискент туманида жорий йилда пилла етиштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шу кунларда давлатга пилла сотиш ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Пилла ҳосилининг харид нархлари оширилгани ҳам курт боқувчиларнинг ғайрат билан ишлашларига сабаб бўлмоқда. Тўғри-да, 1 кг. юқори нав тирик пилланинг нархи 31 минг 500 сўмдан, ўртача нархи эса 22 минг 608 сўмдан белгиланиб қўйилган бўлса, ҳаракат қилган одам барака топади-да.

ПИЛЛАМИЗНИНГ ХАРИДОРИ КҮП

Таъкидлаш керакки, туман миқёсида фермер хўжаликлари ҳамда касаначиларга яхши шароитлар яратилган. Мавжуд 328 гектар тут плантацияси касаначиларга бўлиб берилиб, мазкур тутзорлар ер солиғидан тўлиқ озод қилинган. Бир мавсум давомида ипак курти боққан пиллакорнинг иш стажига эса бир йилга тенглаштириб қўйилди. Албатта, бундай имтиёздан касаначилар ҳам, фермерлар ҳам жуда хурсанд.

Ипак курти боқувчиларига Жанубий Кореянинг "Jinju Silk Go" масъулияти чекланган жамияти томонидан зарур шароитларнинг яратиб берилётгани уларнинг қизиқишини янада ортирмоқда.

Чунончи, Пискент туманига корхона томонидан 10 та кўча ипак курти боқиш хонаси олиб келиб ўрнатилди. Мазкур кўча хоналар бевосита тутзорлар оралиқларига жойлаштирилди. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур замонавий куртхонада камида 3 кўти ипак куртини парваришlash мумкин. Ҳар бир куртхонанинг ичига 220 донка кичик қутчалар жойлаштирилган.

Давоми 2-бетда ➡

СИЗ – БАХТИМИЗ, КЕЛАЖАГИМИЗ!

Оҳангарон шаҳридаги истироҳат боғида 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан "Болалар – бахтимиз, келажагимиз!" мавзусида катта байрам тадбири ўтказилди.

"Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бошқармалари ҳамда шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда спорт мусобақалари, болалар адабиёти бўйича шоирлар билан учрашув, турли кўрик-танловлар, китоблар кўргаз-

маси ва савдоси, модельерлар чиқишлари ташкил этилди.

Байрам доирасида ўтказилган ранг-баранг танловларда мингдан ортиқ болалар иштирок этишди. "Энг ёш китобхон", "Энг чиroyли расм чизган ёш рассом", "Энг иқтидорли ўқувчи" ва "Энг қаққон

спортчи" номинациялари бўйича голиблар тақдирланди.

Айтиш жоизки, сўнгги ойлarda "Оила" ИАТМ вилоят бошқармаси томонидан оилада ёшларнинг саломатлиги, спорт, санъат билан шуғулланиши, билим олиши ва касб танлашига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ҳамкор ташкilotлар билан бирга "Соғлом оила – соғлом жамият" мавзусида саломатлик ой-

лиги ўтказилиб, унда касб-хунар коллежлари, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларининг 36 минг 271 нафар ўқувчи ва тарбияланувчилари тиббий кўрикдан ўтказилиб, 5 минг 107 нафар болаларда йод танқислиги, кўз соҳаси ва таянч ҳаракати тизими касалликлари аниқланди. Улар амбулатор ва стационар тарзда соғломлаштирилмоқда.

Ўз мухбиримиз

Бугун – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини

ДУНЁДА БОЛАМ ДЕБ ЯШАЙМИЗ

Мамлакатимизда ҳар йили 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини кенг нишонланади. Мазкур байрам кўпчилик давлатларда "Халқаро болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кунини" сифатида ҳам алоҳида эътироф этилган.

Юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларида ноқ болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилиш, бу соҳадаги халқаро меъёрларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва қонунчиликни такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган БМТнинг асосий шартномаларидан бири – Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш ҳамда ушбу соҳада давлатларaro ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш асосидир. Шу билан бирга, у бола ҳуқуқлари со-

ҳасидаги миллий қонунчиликни ривожлантиришнинг мукамал андозаси ҳамдир.

2008 йил 7 январда қабул қилинган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тарихий ҳужжатдир. Қонунда етим, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бор болалар тушунчаларининг аҳамияти, бола ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни жорий қилиш учун зарур шароитлар яратиш борасидаги давлат сиёсатининг асослари ўз аксини топган. Шунингдек, мамлакатимизда болаларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан



Болаликнинг бегубор фаслини эслайсизми? Болалар ўзлари кичик бўлсаларда, нигоҳлари уммондек чексиздир. Албатта, бу рамзий маънода айтилган. Бироқ, болаларнинг ҳайратлари, орзу-истаклари катта бўлиши ҳақиқат. Мана шу ҳайрат уларнинг тасаввур оламиини бойитади, фикри ва дунёқарашини шакллантиради. Дунёни оппоқ рангга буркайди...

Мансур ХИММАТОВ олган сурат

қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим Давлат дастурлари қабул қилиниб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Хусусан, "Соғлом авлод" (2000 йил), "Она ва бола" (2001 йил), "Аёллар ва

болалар соғлигини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2002 йил), "Ёшлар йили" (2008 йил) ва "Баркамол авлод йили" (2010 йил) Давлат дастурлари ва мил-

лий ҳаракат режаларининг жорий этилиши юртимизда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш борасида ўзига хос ҳуқуқий аъёна шаклланишини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бутун мусулмон аҳли учун муқаддас айём – муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз ҳаётидаги бекиёс ўрни, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, саховат ва шуқроналик каби олижаноб қадриятларни қарор топтиришдаги улкан аҳамиятини инобатга олиб ҳамда миллий-диний аъёналаримизни асраб-авайлаш ва улуглаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2019 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 5 июнь – чоршанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, мамлакатимизда 2019 йил 5 июнь Рамазон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 ноябрдаги "2019 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги ПФ-5574-сонли Фармонида мувофиқ 1 июнь – шанба кунини 6 июнь – пайшанба кунига кўчирилгани маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкilotлари билан биргаликда Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ҳамда халқимизнинг миллий ва диний аъёналарига муносиб тарзда, юқори даражада ўтиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 30 май

Молия вазирлиги:

1 июндан
газ ҳамда
электр
тўловлари
ошиши тўхтатилди



3

Бугун юртимизда одамлар ҳаётини яхшилаш, уларнинг ишли, доромадли бўлиши учун барча шароитлар яратиб берилмоқда.

Маълумки, Президентимизнинг 2018 йил 7 июндаги қарори билан қабул қилинган "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурида аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун барча ташкилий, молиявий чоралар белгиланган.

□ Ҳар бир оила – тадбиркор

Яна ҳам аниқроқ айтганда, ушбу қарорга мувофиқ, истаги бору маблағи йўқ аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан кредитлар ажратиши ва ўзлаштиришни жадаллаштириши, айниқса, кам таъминланган оилаларни тадбиркорликка жалб этиш аниқ ва лўнда вазифа қилиб қўйилди. Масалан, "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги Низомга қўра, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун энг кам иш ҳақининг 150 барабари гача миқдорда, шунингдек, йиллик 8 фоизлик ставкада, 3 йил муддатга, 6 ойлик имтиёзли давр билан микрокредитлар олиш имконияти яратилган.

Тушунган одамга ўз оиласини тадбиркор жамоага айлантириш, даромadini ошириш, оила аъзоларининг бандлигини таъминлаш учун бундан ортқ кулай имконият ва шароит бўлмайди. Халқда "Юзта сиз-биздан битта жиз-биз афзал", деган гап бор. Ҳўш, бундан ким қанчалик фойдаланмоқда? Келинг, бу саволларга Зангиота тумани мисолида жавоб излаб қўрайлик.

Аслида зангиоталиклар илгаритдан тадбиркорлик билан шуғулланиб келишган. Худуд аҳолиси ишбилармонлигининг турли йўналишларини пухта

ўзлаштирган. Аммо, тадбиркорлик фаолиятига қонуний мақом берилиши одамларни янги ташаббусларга йўналтириб юборди. Хусусан, жорий йилда тумандаги тижорат

маиший хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш истаги бўлган 32 нафар фуқарога 1821,4 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратил-

хисобидан томорқаларидаги бўш ерга 1,5 сотихли иссиқхона қуриб, деҳқончиликни бошлаб юборишди. Дилфуза Пўлатованин сўзларига қўра, шу йилнинг ўзида иссиқхонадан уч марта ҳосил олишни режалаштиришган. Энг муҳими, келадиган даромад ҳозирданок оила бюджетини яхшилашга хизмат қила бошладди.


"Ҳаракат" маҳаллалик Элбек Ҳамроев 20 миллион сўмлик кредит хисобидан шахсий ҳўжалигидаги қорамолларини 12 бошга етказди. Ҳаммаси ўз ҳаракатига боғлиқлигини англаган тадбиркор келгусида чорвачилик ҳўжалигидаги молларини 100 бошга етказмоқчи. Ҳатто, хорижий давлатлардан насли сигирлар олиб келишни ният қилган.

Айни пайтда тумандаги ҳар бир оиланин имкониятлари ўрганиб чиқилиб, тадбиркорлар сафи кенгайтириляпти. Хусусан, вилоят ишчи гуруҳи томонидан шароитлари таҳлил этилган 190 та жисмоний ва юридик шахсга яқин кунларда яна 7158,2 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратишга рухсат этилди. Махсус суҳбатлар уюштирилиб, фуқароларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш бўйича зарур маслаҳат ва тушунтиришлар берилмоқда.

Айниқса, тадбиркорликни ривожлантиришда ҳар бир жойнинг ўзига хос хусусиятлари, шароит ва имкониятлари инобатга олинган ҳолда иш қўриладигани яхши самара бермоқда.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

ЮЗТА «СИЗ-БИЗ»ДАН БИТТА «ЖИЗ-БИЗ» АФЗАЛ



ди. Мазкур кредит маблағларини ажратишда қатор тижорат банклари фаоллик кўрсатишди.

– Ака-укаларим билан маслаҳатлашиб, оилавий паррандачилик ҳўжалигини ташкил этишга қарор қилдик, – дейди Бўзусов кишлоғида истиқомат қилувчи Беғали Илёсов. – Банкдан олинган 10 миллион сўм имтиёзли кредит хисобидан икки мингта бройлер зотли жўжа харид қилдик. Эрта-индин етилган дастлабки паррандаларни истеъмолчиларга жўната бошлаймиз. Ҳисоб-китобларимизга қўра, бир йилда 20 миллион сўмгача даромад олишимиз мумкин экан. Ниятимиз, даромадимизга яраша ишни кенгайтириш.

"Мевазор" маҳалласида истиқомат қилувчи Пўлатовлар оиласи ишчи гуруҳ тавсияси билан банкдан олинган 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит

яхши қўшничилик алоқаларига бағишланди.

Унда 10 га яқин бадий ҳаваскорлик жамоалари, халқаро оқинлар танлови ғолиби Қ. Дуйсенов, "Нурли жол" ва "Қибрай садоси" газеталари ижодкорлари, адиб ва шоирлар иштирок этишди.

Тадбирда қизиқарли дастурлар, санъат усталарининг чиқишлари яхши кутиб олинди.

Вилоят ҳаёти

● Президентимиз томонидан 2019 йилни Ўзбекистонда Қозғистон йили деб эълон қилиниши икки халқ вакиллари бешад руҳлантириб юборди.

Шу муносабат билан жойларда турли тадбирлар ташкил этилмоқда. "Дўрмон" маданият саройида бўлиб ўтган маданий-маърифий тадбир ҳам

Ижтимоий
эълон

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди

"Маънан етук ва юксак маърифатли ёш авлодни тарбиялашда ижтимоий шерикликни кучайтириш" мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун танлов

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қўйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:

– ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга оширишга, банд бўлмаган ишсиз ёшларни фойдали меҳнат фаолиятига ўргатиш ва бандлигини таъминлашга қўмаклашиш;

– ёшларнинг интеллектуал салоҳиятларини юксалтириш, уларнинг инновацион фикрлаш, кашфиётчилик, рационализиаторлик ғоялар ва нау-хауларни ишлаб чиқишга йўналтириш;

– ўсиб келадиган ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашга қўмаклашиш, она Ватанга муҳаббат, бузғунчи ғояларга қарши иммунитетларни янада кучайтириш;

– ёшларни юртга садоқат, маданий меросга ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлашга, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга, уларни оммавий маданиятнинг салбий иллатлари таъсиридан ҳимоя қилишга қўмаклашиш;

– ёшларнинг кенг қўламли ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга, уларнинг ташаббуслари ва замонавий ғояларини илгари суртишга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;

– ёшлар орасида китоб ўқиш

маданиятини шакллантириш ва китобхонликни аҳолининг кенг қатламлари ўртасида тарғиб қилиш;

– ўсмирлар, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга, "Жаҳолатга қарши маърифат" ғояси асосида кенг тарғибот ишларини амалга оширишда замонавий инновацион ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш;

– яқин қариндошлар ва ёшлар ўртасида эрта никоҳни, оилада ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи, низоли вазиятларнинг олдини олишга, соғлом маънавий муҳитни таъминлашга қўмаклашиш;

– ўсиб келадиган ёш авлодда ота-онани, кексаларни ҳурмат қилиш, эъозлаш ва уларга ғам-хўрлик кўрсатиш туйғусини шакллантириш;

– ёшларни, айниқса, ёш қизларни, ёш оилаларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳўнамдчиликни ташкил этишига қўмаклашиш;

– уюлмаган ҳамда ноқонуний меҳнат мигрантлиги натижасида хорижий давлатлардан депортация қилинган ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни мамлакатдаги бунёдкорлик ишларига кенг жалб қилиш.

Давлат гранти танловида иштирок этиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан

тасдиқланган қузатув хати.

2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.

3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) ҳамда гувоҳноманин муҳр билан тасдиқланган нусхаси.

4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияладиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори – 30 миллион сўмгача.

Аризалар 2019 йил 29 майдан 4 июлгача қабул қилинади. Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қўйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100163, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 43-уй.

Ҳужжатлар намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (71) 239-26-76, (71) 239-26-86.

● Оҳангарон шаҳридан 24 нафар мактаб ўқувчиси Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети қошидаги технопаркка саёҳат қилишди.

Қизиқарли саёҳат давомида ўқувчилар робототехника ва 3D принтерларининг ишлаш жараёни билан яқиндан танишишди.

Нуфузли таълим даргоҳининг мўъжаз устaxonасидаги жараён ўқувчиларда яхши таассурот қолдирди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ МУАММОЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТДИ

Тошкент вилояти ҳокимлиги биносида таълим тизимини ривожлантиришга бағишланган кўргазмали семинар йиғилиши бўлиб ўтди.



Унда халқ таълими вазири Шерзод Шерматов, шунингдек, вилоятдаги бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этиди.

Семинарда вилоят Халқ таълими бошқармаси томонидан тайёрланган "Тошкент вилояти халқ таълими тизимини ривожлантириш" концепцияси ва унинг иловаси бўлган планшет жадвали-

да келтирилган статистик рақамлар муҳокама этилди.

Жумладан, вилоятдаги 869 та таълим муассасаларида таълим-тарбия олаётган 478 минг 334 нафар ўқувчига яратилган шароитлар, мактабларда қурилиш-таъмирлаш ҳамда уларни жиҳозлаш бўйича амалга оширилган ва режага мувофиқ, 2019

йилда бажариладиган ишлар, мавжуд камчиликлар ва уларнинг ечими хусусида амалий таклифларга йиғилиш иштирокчиларининг диққат-эътибори қаратилди.

Йиғилишда сўзга чиққан халқ таълими вазири тизимда мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирди. Ижобий натижалар қаторида мавжуд хато ва камчиликлар ҳам тилга олинди. Хусусан, спорт заллари бўлмаган мактаблар, атрофи ўраб олинмаган таълим муассасалари ва ичимлик суви ташиб келтириладиган ўқув масканларига тааллуқли муаммолар муҳокамалар марказида бўлди.

Йиғилишда тилга олинган камчиликлар, уларнинг ечими бўйича билдирилган таклифлар мутаасдиллар томонидан бартараф этилиши белгилани олинди.

@haqiqatonline

ПИЛЛАМИЗНИНГ ХАРИДОРИ КЎП



Ана шундай имкониятдан унумли фойдаланган илғор кўртбоқлар Ҳайдарали Ибодуллоев 9 қўтидан 540 кг., Дилноза Усмонова 3 қўтидан 175 кг., Айдиқул Холбоев эса 5 қўтидан 600 килограмдан ошириб ҳосил топиришди. Шунингдек, тумандаги "Озод Дадаев" фермер ҳўжалигида ҳам пилла топириш қизгин давом этмоқда. Касаначилар Шўхрат Абдурахмонов, Абдурахим

ўзидан пилла ҳосилининг давлат стандартларига мос, сифатли бўлиши таъминланмоқда.

Дарҳақиқат, ҳозиргача туман пиллакорлари 40 тоннага яқин пилла топиришди. Пилла хом ашёси "JinJuz Silk Go" масъулияти чекланган жамияти томонидан шу ернинг ўзида баҳоланиб, пиллакорларга пул маблағлари берилмоқда.

Жараён қизгин давом этмоқда.

Ашуралӣ БОЙМУРОДОВ,
Гўзал ҲАМИДОВА

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди

"Соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш" мавзусида

Давлат грантлари ажратиш учун танлов

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қўйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:

– оила қуриш йиғилишидаги йиғит ва қизларни маънавий-руҳий жиҳатдан тайёрлашга, оиланин муқаддаслиги ва жамиятнинг асосий бўғини эканлигини уларнинг онгига сингдиришга қўмаклашиш;

– оилада ва маҳаллада соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбиясини юксалтиришга шарт-шароитлар яратиш, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларини тарғиб қилиш;

– хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлашга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;

– низоли вазиятлар, оилавий-маиший ўрлик ишлатиш ҳолатларини ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни эрта бартараф этишда давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликни шакллантириш;

– соғлом фарзандлар дунёга келишининг муҳим омилли сифатида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга, болаларнинг туғма касалликлар ва нуқсонлар билан дунёга келишининг олдини олиш ва профилактикасига бағишланган материаллар тайёрлаш, аҳоли ўртасида тарғиб этиш;

– маҳаллаларда спорт тўғрақларини ташкил этиш, болалар, ёшлар,

хотин-қизларни оммавий спорт турлари билан шуғулланишга жалб қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи анъаналарини мустаҳкамлашга қўмаклашиш;

– аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини юксалтириш, тўғри овқатланиш маданиятини омалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш;

– давлат органлари билан ҳамкорликда фуқаролар йиғинларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга оид дастурларни амалга ошириш;

– оилавий ажримлар, ноқонуний ва эрта никоҳларнинг олдини олиш, қайнона ва келин ўртасидаги низо-ларни бартараф этиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда ижтимоий шерикликни кучайтириш;

– маҳаллалар худудларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ жойлардаги аҳоли пунктларида ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш, санитария-экологик муҳитни яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширишга қўмаклашиш;

– аҳолини турли юқумли касалликларга (ОИВ инфекцияси, сил, безгак, онкологик касалликлар) чалиниш ҳолатларининг олдини олишда тиббий таълим муассасалари билан ижтимоий шерикликни кучайтириш;

– атмосфера ҳавоси, сув ва ер ресурсларининг ифлосланишини камайтиришга, биологик хилмаҳилликни сақлашга, қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлашга инновацион технологияларни жалб этишга қўмаклашиш.

Давлат гранти танловида иштирок этиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати.

2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.

3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) ҳамда гувоҳноманин муҳр билан тасдиқланган нусхаси.

4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияладиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори – 30 миллион сўмгача.

Аризалар 2019 йил 29 майдан 4 июлгача қабул қилинади. Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қўйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100163, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 43-уй.

Ҳужжатлар намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (71) 239-26-76, (71) 239-26-86.

Очиғи, аксарият эътирозлар иккинчи ва учинчи йили ҳужжат топшираётган абитуриентлар учун тўлов талаб қилинаётганига бўлмоқда. Айни пайтда энг кам иш ҳақининг ярим баравари (101 минг 365 сўм) миқдорида тўлов ундирилсада, бу ҳар бир олийгоҳ учун алоҳида тўлов тўлаш керак, дегани эмас. Бир марталик тўлов учта олийгоҳ учун кифоя қилади.

Турли баҳсларга сабаб бўлган ўзгариш айрим инсонларда ортиқча шубҳа ва гумонларни келтириб чиқармаслиги керак. Чунки, ДТМ раҳбарияти тушган маблағнинг 80 фоизи замонавий ускуналар сотиб олишга сарфланишини маълум қилди. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, тўловни амалга оширувчилар сонини ўртача 500 минг нафар десак, 50 миллиард 682 миллион 500 минг сўм йиғилар экан. Айтишларича, мазкур маблағ тест синовларини янада сифатли ва қулай шaroитларда ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни молиявий таъминлашга қаратилди. Яъни, биноларнинг ижара тўлови, катта қувватли совутгичлар, шахсни аниқлаш, биометрика, мобиль алоқа воситаларининг тўлқинларини тўсувчи қурилмалар ва кузатиш камералари, ота-оналар кузатуви учун мониторинг билан жиҳозлаш каби ишларга йўналтирилади. Бундан ташқари, тест синовларини ташкил этиш жуда катта молиявий маблағларни талаб этади. Ҳатто, абитуриентлардан тушган тўловлар мавжуд харажатларни қоплаш учун етарли бўлмаслиги ҳам мумкин. Чунки, тезкор ўқийдиган оптик қурилмалар харидини амалга оши-

риш, хорижий экспертларни жалб қилиш ҳам катта маблағ талаб этади. Шунингдек, йиғимлар хорижий экспертларни Давлат тест марказига ишга олиш, 4 мингдан ортиқ

Таъкидланганидек, бу йил абитуриент бир вақтнинг ўзиде 3 та олийгоҳга ҳужжат топшириши мумкин. Бунинг учун 3 та фанлар мажмуасига мувофиқ келувчи 3 та ба-

тест синовларида қўлланила бошлайди. Яъни, абитуриент 3 та мажбурий ва 2 та ихтиёрий фандан имтихон топшириши мумкин бўлади. Масалан, она тилидан қўшимча

тув камералар ўрнатилди.


Эндиликда тест синовларида жавоблар варақаси ҳар бир абитуриент учун махсус чиқариладиган

қилишича, ўтган йилларда тест синовларидаги чалкашликлар ҳусусида кўп эътирозлар бўлгани инобатга олиниб, жорий йилда ҳар бир тест саволи уч мартадан ортиқ муҳомадан ўтказилди. Жумладан, мактаб дастуридан четга чиққан саволлар бўлмади. Тарих фанидан атлас ва контур хариталар бўйича саволлар қўшилгани эса янгилик бўлди. Тўғри бу кеч эълон қилинди, лекин ҳар бир ўқувчининг тарих фани билан боғлиқ атлас ва контур харита ҳақида

маълумоти бўлиши керак. Эълон қилинган ўзгаришлар орасида техник ёки математика йўналишида имтихон топшувчиларга она тили ёки соҳага оид бўлмаган фанларнинг киритилгани баҳс ва мунозараларга сабаб бўляпти. Гап шундаки, бундай талаблар биринчи навбатда давлат гранти асосида ўқиш истагида бўлганлар учун жорий этилган.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

□ Абитуриент – 2019



Хабарингиз бор, Президентимизнинг 14 майдаги "Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори билан 2019/2020 ўқув йили қабулидан бошлаб, абитуриентларга олий таълим муассасаларининг тест синовини топшириладиган фанлар мажмуаси бир хил бўлган учтагача бакалаврият таълим йўналишига ҳужжат топшириш ҳуқуқи берилди. Бу янгиликни қувонч билан кутиб олаётганлар, аксинча, жорий йилда тест имтихонларига киритилган ўзгаришларга эътироз билдираётганлар ҳам бор.

БИЛИМДОНЛАР УЧУН ҚУВОНЧЛИ ЎЗГАРИШЛАР

гуруҳ назоратчиларига тўланадиган иш ҳақи, уларга ташкил этиладиган тушлик, тест материалларини сифатли тайёрлаш, ўз вақтида етказиб бериш, олиб келиш, сақлаш ва шу каби ишларга ҳам яхшигина маблағ керак.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Аксарият оила фарзандлари учун мазкур тўлов оғирлик қилмайдими? Бизнингча, йиғим у қадар оғирлик қилмайди. Чунки, бу йил абитуриентга ўзи рўйхатдан ўтган, аниқроғи, доимий истиқомат қиладиган жойида ёки бошқа қулай, деб биладиган ҳудудда тест синовини иштирок этиш имконияти берилди. Бу эса ортиқча вақт, маблағ сарфланиши ҳамда сарсонгарчиликларнинг олдини олади.

калаврият таълим йўналишини мос тарзда танлаши лозим. Бу уларнинг талабалик сафига қўшилиш имкониятини оширади.

Жорий йилдан ўрнатилаётган тартибларнинг яна бир афзаллиги шундаки, абитуриентга тест синовидида тўплаган баллари ҳақида сертификат берилди. Ҳужжат 3 йилга қадар амал қилади. Келгуси йилларда мазкур балл кириш учун етарли бўлса, у талаба бўлиш имкониятига эга бўлади. Шу 3 йил ичида юқоридаги маблағни қайта тўлаш ҳам шарт бўлмайди.

Бу йилги тестларда 5 та фандан имтихон топширилган экан, деган сўзлар ҳам юрибди. Йўқ, бундай тартиб жорий йилда эмас, кейинги ўқув йили учун ўтказиладиган

имтихон (диктант, оғзаки савол-жавоблар) топшириб, керакли балл тўплай олган абитуриент она тили фани тестларидан озод қилиниши ва максимал балл олиши мумкин бўлади.

Имтихонлар катта спорт залларида, "Экспомакраз" павильонларида ўтказилади. Шаффофликни таъминлаш мақсадида имтихон жараёнлари тўлиқ тўғридан-тўғри эфирга узатилади. Шу боис, ҳар бир ота-она ўз фарзандини қандай имтихон топшираётганини мониторинг орқали кузатиш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, тест синовларини ҳалол, адолатли ўтказиш мақсадида ДТМ томонидан имтихон топшириладиган биноларнинг қолган хоналарига ҳам куза-

бўлди. Унда абитуриентнинг исми-шарифи, тест кун, тест топширадиган ҳудуди, биноси, гуруҳи ва ўтириш жойи ҳамда ID-коди кўрсатилади.

ДТМ раҳбариятининг маълум

Ўтган йилларда абитуриент тўплаган баллари ҳақидаги маълумотни орадан бир неча кун ўтиб билар эди. Бу йил эса мазкур маълумотни имтихон кунининг эртасигаёқ билади. Талабалikka қабул қилинган ёки қилилмагани тўғрисидаги ахборот эса Давлат тест марказининг веб сайтыда тест синовларини ўтказиш жараёни тўлиқ якунлангандан сўнг бир ҳафта муддат ичида эълон қилинади. Сабаби, қўшимча танланган олийгоҳларнинг ҳам кириш баллари аниқланиб, абитуриент қайси таълим муассасасида ўқиши мумкинлиги умумий натижалар жамлангандан сўнг маълум қилинади.

Молия вазирлиги:

1 ИЮНДАН ГАЗ ҲАМДА ЭЛЕКТР ТЎЛОВЛАРИ ОШИШИ ТЎХТАТИЛДИ

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб табиий ва суюлтирилган газ ҳамда электр энергияси учун истеъмол тўловлари кимматлашиши маълум қилинган эди. Жамоатчилик ўртасида ушбу жараёнга нисбатан турли норозиликлар пайдо бўлди, дея хабар беради ЎЗА.

Сайтимиз орқали мазкур мавзу кўтарилиб, "Газ ва электр нархи нега ошиб бормоқда. Саволларга жавоб берувчи ташкилотлар бор-

ми?", мақоласи эълон қилинди. Бундан ташқари, муҳбирларимиз нарх ошиши изоҳини сўраб, бир неча вазирлик ва ташкилотларга сўров йўллади.

Унда, нега бизда ҳар йили камида 2 маротаба электр ва газ нархи ошиши тенденцияси ҳалигача сақланиб қолган? Нархлар оширилаётган вақт унинг аҳоли даромадларига нисбати қай даражада ўрганилди ва ҳисобга олинди? Нархларнинг ошиши ни-

мага боғлиқ, каби саволлар кўтарилган эди. Бугун Молия вазирлигининг ЎЗАга тақдим этган маълумотида кўра, айрим сабаблар билан жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб табиий ва суюлтирилган газ ҳамда электр энергияси учун истеъмол тўловлари кимматлашиши жараёни айни вақтда тўхтатилиб турибди. Ҳозирча нархлар ошмайди, сабаблари вазирлик томонидан тез орада маълум этилади ва сайтимизда эълон қилинади.

Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси Ички ишлар бошқармаси этиб қайта ташкил этилди

"Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, 2019 йил 20 июндан бошлаб Тошкент вилояти ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқариш тизими эксперимент тариқасида жорий этилади. Шунингдек, Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси Ички ишлар бошқармаси этиб қайта ташкил этилди.

2019 йил 1 сентябрдан бошлаб Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар органларининг патруль-пост ва йўл-патруль хизматлари, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларининг олий маълумотга эга бўлмаган амалдаги ходимлари ўрнига 2021 йил 1 декабргача босқичма-босқич тайинлашни назарда тутган ҳолда фақат олий маълумотга эга ёки сиртқи шаклда ўқийдиган шахслар жамланади.

Қарор билан бошқарувда катта амалий иш тажрибасига ҳамда соҳада обрў ва ҳурматга эга бўлган ички ишлар органларининг пенсионерлари орасидан жамоатчилик асосида жамланадиган Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг маслаҳатчилари лавозими киритилди ҳамда уларга тўланаётган пенсиясининг 50 фоизи миқдорида ойлик устама ҳақ белгиланди.

2022 йил 1 январгача минтақалар ҳудудларида тўлиқ мото ва автопатруллик қилишга ўтиш мақсадида Тошкент вилояти ички ишлар органлари патруль-пост хизмати скутер ва енгил транспорт воситалари билан таъминланади.

@haqiqatonline Тошкент вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати

Ижтимоий эълон

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Тошкент вилоятида давлат активлари ва кўчмас мулк объектларини сотиш фақат "E-IJRO AUKSION" савдо майдончасида онлайн-аукцион шаклида ташкил этиладиган электрон савдолар орқали амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси 1 (бир) сўмга тенг қийматдаги бошланғич нархда инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажариш шарти билан сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очик аукцион (www.e-auksion.uz) савдоларига таклиф этади. Электрон онлайн очик аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

№	№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда сақловчи	Таклиф этилаётган шартлар			
					Объект ташкил этиладиган мажбурий фаолият тури (мавжуд бўлса)	Объектга киритиладиган инвестициянинг энг кам миқдори (млн. сўм)	Инвестициянинг бажариш муддати	Объектда яратиладиган янги иш ўринлари сони
Чиноз тумани								
1	1	Дўкон биноси (31-сонли дўкон)	Чиноз тумани, Эски Тошкент ҚФЙ, А.Темур ф/у	Чиноз тумани ҳокимлиги	Савдо дўкони	100,00	10 ой	2
2	2	Нотураржой биноси	Чиноз тумани, "Янги Чиноз" МФЙ	Чиноз тумани ҳокимлиги	Савдо дўкони	100,00	10 ой	2
3	3	Иссиқлик манбаи қозонхона биноси	Чиноз тумани, "Янги Чиноз" ШФЙ	Чиноз тумани ҳокимлиги	Савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш	300,00	10 ой	2
4	4	Иссиқлик манбаи қозонхона биноси	Чиноз тумани, "Олмазор" ШФЙ	Чиноз тумани ҳокимлиги	Нон ва нон маҳсулотлари, қандолатчилик	300,00	10 ой	10
5	5	Бўш турган қозонхона биноси	Чиноз тумани "Чорвадор" МФЙ	Чиноз тумани ҳокимлиги	Шлакоблок, евродевор, темир дарвоза, панжаралар ишлаб чиқариш	300,00	10 ой	10
6	6	Бўш турган қозонхона биноси	Чиноз тумани "Маданият" МФЙ	Чиноз тумани ҳокимлиги	Музлаткич камераси (Шоко-вая камера)	2 400,00	10 ой	4
7	7	Собиқ ёғочни қайта ишлаш цехи	Чиноз тумани "Янгиобод" МФЙ	Чиноз тумани ҳокимлиги	Мебель ишлаб чиқариш	200,00	10 ой	4
8	8	Янгиобод идора биноси	Чиноз тумани, Янгиобод ҚФЙ	Чиноз тумани ҳокимлиги	—	400,00	10 ой	10
9	9	Собиқ қозонхона биноси	Чиноз тумани, "Тулзоробод" МФЙ	Чиноз тумани ҳокимлиги	Нон ва нон маҳсулотлари, қандолатчилик	200,00	10 ой	10
Ўрта Чирчиқ тумани								
10	1	Собиқ почта биноси	Ўрта Чирчиқ тумани Уйшун ҚФЙ	Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги	—	100,00	12 ой	2
11	2	Дўкон биноси	Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув ҚФЙ, Завод кўчаси	Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги	—	90,00	12 ой	9
12	3	Дўкон биноси	Ўрта Чирчиқ тумани Пахтакор ҚФЙ	"Ўртачирчиқ-парранда" МЧЖ	—	100,0	12 ой	2
Бекобод тумани								
13	1	Молхона бино иншоотлари	Бекобод тумани, "Шова" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	—	500,00	18 ой	10
Тошкент тумани								
14	1	Дўкон биноси	Тошкент тумани, Келес шаҳри, "Оқибат" МФЙ	Тошкент тумани ҳокимлиги	Савдо дўкони	130	12	5
15	2	Ошхона биноси	Тошкент тумани, Келес шаҳри, "Оқибат" МФЙ	Тошкент тумани ҳокимлиги	Ишлаб чиқариш	240	12	8
Ангрен шаҳри								
16	1	Барак шаклидаги бино	Ангрен шаҳри, Красногорск кўрғони	НКМК жанубий кон бошқармаси	—	100,00	12 ой	3

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича қолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кундан кейинки олди-сотди шартномаси тузилади. Электрон онлайн-аукцион савдолари 2019 йил 10 июндан бошлаб, объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб ҳар 10 кун муддатда соат 9.00 дан 18.00 га ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшим-

ча маълумотларни www.e-auksion.uz сайтлари орқали олиш мумкин.

Мурожаат учун манзил: 111503, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Қумовул ҚФЙ, Паркенттракт кўчаси, 15-уй.

Маълумот учун телефон: 0(371) 231-19-85. E-mail: tashreg@davaktiv.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!

Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқариш агентлиги (0-371) 259-21-37 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (0-371) 231-19-32 рақамли Ишонч телефонларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!



лалар Яқин Шарқдаги қуролли можаролар ҳудудидан юртимизга қайтарилди. Улар 30 май кунини махсус авиарейсда Тошкент шаҳрига олиб келинди.

Алдов оқибатида ўзга юртга бориб қолиб, оғир ҳаётини даврини бошидан ўтказган бу инсонларга ҳуқуқматимиз томонидан тиббий, психологик, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади. Уларнинг тинч ҳаётга қайтиб, жамиятга мослашишлари, таълим ва ижтимоий дастурларда иштирок этишлари учун зарур шароит яратилади, бошлана ва иш билан таъминлаш чоралари кўрилади.

БЕШ ТАШАББУС — БЕШ ИМКОНИЯТ

Буни Қуйи Чирчиқ ёшлари
чуқур англамоқдалар

Ташаббуснинг тўртинчи йўналиши доирасида Хотира майдонида "Шеърят кечаси" ташкил этилиб, адабиёт ихлосманлари ўзларининг ижод намуналаридан ўқиб беришди. Шунингдек, ёшларни китоб мутолаасига янада кенгроқ жалб қилиш

кутиб олинди. Ҳар бир раҳбар ўзи билим олган мактаб кутубхонасига илмий, бадиий, тарихий китоблар жамланмасини тақдим этмоқдалар.

Туманимиз ҳокимининг ташаббуси билан Дўстобод шаҳри марказида жойлашган



мақсадида "Китоблар кўргазмаси" ва савдоси ўтказилди.

— Шу йилнинг 19 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш масаласига алоҳида тўхталиб, "Ҳар бир раҳбар ўзининг шахсий кутубхонасидан ўзи таълим олган мактаб кутубхонасига китоблар совға қилса, бу яхши ташаббус бўлиб, китобхонликни ривожлантириш билан бир қаторда фарзандларимиз тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади", дея таъкидлаган эдилар, — дейди Қуйи чирчиқлик Саидшер Махмудов. — Мазкур эзгу ғоя туманимиздаги барча корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан хайрихоҳлик билан

Марказий маданият уйи қошида аҳоли учун янгитдан кутубхона ташкил этилди. "Раҳбардан ўн китоб" акция-



си доирасида мазкур кутубхонага туман ҳокими ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман кенгаши раиси 80 га яқин китоб совға қилишди. Бундан ташқари, шу инсонларнинг ташаббуси билан жорий йилнинг апрель ойида "Китоб байрами" хайрия акцияси ташкил этилди. Акцияда "Ўзбекистон Давлат китобсавдо" МЧЖ томонидан 7 мингдан зиёд китоб



савдога қўйилди. Ушбу китоблар жамланмасидан жаҳон ва ўзбек адабиёти дурдоналари ҳамда мактаб ўқувчиларига мўлжалланган сара асарлар ўрин олган.

Китоб байрамидида таниқли шоир-ёзувчилар, журналистлар, тумандаги барча корхона ва ташкилотлар, тиббиёт ва таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этдилар. Улар сотиб олган китобларини кутубхонага совға қилдилар. Хайрия акцияси сабабли шу куннинг ўзида кутубхона фонди бир ярим мингдан зиёд сара китоблар билан бойиди.

Шу кун Хотира майдонида бешинчи ташаббус бўйича хотин-қизлар учун меҳнат ярмаркаси ҳам ўтказилди.



Унда 29 та корхона ва ташкилот иштирок этиб, ўзларидаги мавжуд бўш иш ўринларини таклиф этишди. Мазкур меҳнат ярмаркасида 60 дан зиёд хотин-қиз ишли бўлди. — Туманда беш ташаббуснинг мазкур йўналиши бора-бора кенг қўламли ишлар амалга оширилаётган, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Кифоят Эрмухаммедов.

Шанба сабоқлари

Даврон оиласини асраб қолишга қанчалик ҳаракат қилмасин, она ўғлидан ҳам воз кечиб, янги ҳаёт бошламоқ истагида эри билан ажрашди. Мана, бир йил-

ЭНГ КАТТА СОВҒА



дирки, бағритош онанинг аҳоли ёмон бўлса бўлди, бироқ ўнганмади.

Даврон ўтмишдаги бахтли онларини эслаб, хаёл ила уйқуга кетди.

Тонгда телевизордан, бу-гун — 1 июнь ҳамма бола-лар қатори ўғлининг ҳам байрами эканини билиб, шогинача дўконга чиқиб кетди.

— Ўғли, қара, сенга нималар олиб келдим, — дея дадаси унга ширинлик, пуд-фак ва юмшоқ ўйинчоқлар совға қилди.

— Масалан, жорий йилнинг тўрт ойи якунига кўра, 310 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди. Шундан 172 нафари янги ташкил этилган кластер тузилмаларига ишга жойлашдилар. Беруний, Гулистон қишлоқларида ташкил этилган тикувчилик, қандолатчилик цехлари ҳам талайгина аёлларни ишли қилди. Шунингдек, бир қанча аёлларга ўз тадбиркорлигини бошлаш учун банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратилди.

Эрта тонгдан то кечга қадар давом этган катта тадбирда бешта муҳим ташаббуснинг мазмун-моҳияти, унинг ижтимоий ҳаётимизда тугган ўрни хусусида сўз борди. Туман аҳолисининг та-

шаббўсга монанд бир кунни шундай ўтди.

...Дарвоқе, байрам доирасида ўтказилган "Фарзандимга китоб совға қиламан" акциясида ота-онаси Ойбекка бир қанча китоблар совға қилишди. Энди у ёзги та-тилда мириқиб китоб мутолаа қилади...

Ўз мухбиримиз
Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар

БИР КЕЧАНИНГ МИНГ ҲИКМАТИ

Шукрлар бўлсинким, дуолар қабул бўладиган, амалларимизга савоблар қўпайтириб бериладиган кунлардаимиз. Бу ойнинг улуғлиги шундаки, аввало, Аллоҳ таоло Куръони каримни шу ойда нозил қилди. Пайгамбаримизга илк ваҳий шу ойда келди. Бу ойда фаришталар Ер юзига тушади. Бу ойда бир кеча борки минг ойдан афзалдир — Лайлатул қадр...

Қадр кечаси Рамазон ойининг сўнгги ўн кунлигига, айни биз кечираётган муаззам ва саодатли дамларга яширилгандир.



Дейдиларки, бу кечада аввало, барча учун истиффор ва дуони қўпайтиринг, Бутун аъзоларингиз билан Аллоҳга юзланинг. Жанжал ва тортишувлардан узоқда бўлинг, сизни ранжитганларни кечиринг. Дуонингиз ижобат бўлишига аниқ ишо-

нинг. Чунки, ижобат бўлишига ишонмаслик дуонинг орасига тўсиқ пайдо қилади. Ҳар бир гуноҳингиз учун Аллоҳ таолога истиффор айтинг. Пайгамбар соллалоху алайҳи ва салламга салавот айтинг. Бир сонияни ҳам зое қилманг, вақтни

ганимат билинг. Чунки, бу тунда илоҳий раҳмат шаббадалари эсади.

Қодир бўлганингизча Куръон ўқинг. Қадр кечасини ибодат билан ўқитиш тонг отгунча давом этади, бутун кеча фаришталар осмондан тушиб-чиқиб туришади. Аллоҳ таоло сизни бу кечани ибодат билан ўтказишга муваффақ қилганига шукрлар айтинг, атрофингизга қаранг, қанча кишилар бу бахтдан мусуводир.

Қадр кечасида имкон қадар садақа беришни унутманг. Чунки, бу кечада қилинган ҳар бир амалнинг ажри улғур.

Бу кечада юртимиз тинч, осмонимиз мусофқо бўлишини, Ватанимиз гуллаб-яшнаши, халқимизнинг турмуши янада фаровон бўлишини Яратгандан сўрайлик. Шунингдек, фарзанду набираларимиз орасидан яна бухорийлар, хоразмийлар, берунийлар, навоийлар чиқишини сўраб дуолар қилайлик.

Рамазон ойи ва муборак кеча фазилати ва шарофати ила Аллоҳим қалбларимиздаги барча эзгу ниятларни рўёбга чиқарсин.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

ҲАЖ

Неча чўллар ошиб, дарёлар ошиб, Бир кун кириб келди Маккага қарвон. Денгизга етишган жилғадек шошиб, Уматлар йўл олди Каъбага томон.

Уларнинг барчаси мўйсафид эди, Асога таянган нуруний бошлар. Кимдир ҳайрат билан уларга деди: — Ҳажга келмайдими сизларнинг ёшлар?

Уматлар дейишди: — Ҳақ йўли мушкул, Азият чеккан-ку Пайгамбаримиз. Қўтлуғ бу сафарга олган чоғи йўл, Ёш-ёш йигит эдик бизнинг баримиз.

БИЛОЛ ҲАБАШ

Пайгамбар уммати — қора тан Билол Расулга ҳаммаша камарбастадир. Сидқ ила вафога бўлди у тимсол, Қайтмади рост йўлдан, сор ё хастадир. Билол айтди эди аззонни яккаш, Сазовор бўлмишди ишонча андоқ. Расулдан сўрашди: — Бу қора ҳабаш Жаннат чехрасига ярашгай қандоқ? Жавоб шундай бўлди: — Сўйлангиз билиб, Унинг оқ дилида ймон оҳанги. Жаннат ҳурларига қора хол қилиб, Бўлиб берилганда Билонинг ранги.

РИОЯ

Агар сен қиблага бурмасанг юзни, Беш маҳал саждаю намозинг бекор. Жаннатга ҳеч қачон тикмагил кўзни, Агар бир мўйинга етказсанг озор.

Болалигимизда кекса бувиларимиздан: "Ковун пўчок ерга тушди, куз бўлди", — деган гапни кўп бора эшитганмиз.

Шиддатли замонамизда ҳар соҳада илгарилаш бўлгани каби куз неъматлари баҳор фаслидаек ўзини куз-куз қилаётганига нима дейсиз?

Бугун езининг биринчи кунни бўлса-да, тарвуз-ковунларимиз бозорларимизда аллақачон "туп қуйиб, палак езган", қаранг!

КУЗ НЕЪМАТИ — ЎЗ ДАСТУРХОНИДА



Мансур ҲИММАТОВ сурат-лавҳаси

келаваради, келаваради... Адашмасам, динимиз одобида бир эшикни тақиллатсангу очишмасам, икки раҳмат намоз ўқилгунча кейинги тақиллатишга сабр қил, деган жойи бор. Телефонда ҳам шу одоб амал қилиши керак.

Ҳайрулла ҲАМИДОВ

@haqiqatonline

Ф А Р О С А Т

нимча бир киши етти марта телефон қилди. Тугатганимдан сўнг кўтариб: "Ҳа ака, қаер ёнаяпти?" десам савол мазмунига ҳам фаросати етмай: "Нимага унақа дейсиз?" деб сўради. Тушунтирганимдан кейин

ҳам: "Кўтармаганингиздан кейин қилдимда?" дейди яна. Энг алам қилармисиз, кўтарган масаласи жуда арзимас. Янада қизиғи, баъзида ким биландир гаплашаётган бўлсангиз иккинчи линиядан кўнғироқ

"Ёш китобхон — 2019"



Ўрта Чирчиқ туманида "Ёш китобхон" танловининг 20-30 ёшлилар орасида саралаш босқичи бўлиб ўтди.

МУНОСИБЛАР САРАЛАНДИ

— Бу йил танловда қатнашиш истагини билдирган ёшлар ўтган йилдагидан анча кўпайган, — дейди туман "Камалак" болалар ташкилоти раиси Бобуржон Жўраев. — Хабарингиз бор, танлов уч ёш тоифасида бўлиб ўтади. 10-14 ёшлилар тоифасида 1 минг 302 нафар, 15-19 ёшлилардан 517 нафар, 20-30 ёшдагилардан 199 нафар йигит-қиз танловда иштирок этиш учун ариза топширди.

Саралаш босқичида иштирокчилар ўзбек ва жаҳон адабиёти ҳамда буюк адибларимиз ҳаёти ва ижодига оид тест саволларига жавоб беришди.

— Тестда эътибор кўпроқ халқ достонларига қаратилганини ижобий баҳолайман, — дейди саралаш босқичида 88 балл тўплаб ғолиб бўлган Нозима Йўлдошева.

Қўриқ-танловнинг навбатдаги босқичи шу йилнинг июль ойида ўтказилади.

О. УСМОНОВ

□ Уққанга балли!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Бош муҳаррир
Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Манзилмиз:
111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги
офисими:
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Телефонлар:
(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
(71) 233-70-10
(71) 233-90-82
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Кабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими:
Электрон почталар: thaqiqat@mail.ru / th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бопқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририят компьютер марказида
терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаввиф
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Зухриддин РАҲМОНОВ

Буюртма V-3448. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 7 081 нусхада чоп этилди. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" наشريёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 20.00.